

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
АЛИШЕР НАВОЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ  
ИНСТИТУТИ

# АЛПОМИШ

Ўзбек халқ қаҳрамонлик достони



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ – 1998

Айтувчи: **ФОЗИЛ ЙЎЛДОШ ЎҒЛИ**  
Ёзуболувчи: **МАҲМУД ЗАРИФОВ**  
Нашргатайёрловчилар:  
**ХОДИ ЗАРИФ ва ТЎРА МИРЗАЕВ**

Ноширлик ва матбаа ишларини амалга оширганлар:

**ИСЛОМ ШОФУЛОМОВ (раҳбар), ОДИЛ РАҲИМОВ,  
БОБУР АЛИМОВ, ОТАБЕК ФУЛОМОВ,  
НАРИМОН САФАРОВ, ВАЛЕНТИНА ПЛОТНИКОВА,  
МАНЗУРА АБДУҒАНИЕВА, БОРИС ЦОЙ,  
ФАИП ТУРДИЕВ, ВЛАДИМИР НИКИФОРОВ**

«Алномиши» достонни аждодларимиз ижодий дахосининг бебахо бадний ёдгорлиги. У бугунги кунда ўзбек халқининг миллӣ бирлиги ва маънавий уйроиниш, ўз-ўзинианг аялашниниг рамзига айланган достондир. Асарнинг тӯла нашри биничи марта амалга оширилмоқда.

АЛПОМИШ

## ДОСТОНЛАР ГУЛТОЖИ

Халқ достонлари қадимиятнинг буюк бир эхсони, ўзлари яратилган даврнинг умумий дүнёкараши, айни пайтда жонли анъанавий ижод ва ижро шароитларида халқ рухининг объектив ҳолатини даврлараро ифодалаб, мазмун ва шакл жиҳатидан гоҳ кенгайиб, гоҳ торайиб, аждодлардан авлодларга оғзаки равищда етиб келган адабий ёдгорликлар хисобланади. Зеро, улар халқ миллий тарихининг афсоналар қобигига ўралган қаҳрамонлик воеаларининг ўзига хос бадиий информасиадир.

Ўзбек халқ қаҳрамонлик достонлари ҳам асрлар давомида яратилди ва уларнинг энг яхши намуналари халқ санъаткорлари – бахшилар томонидан жонли эпик анъаналарда оғзаки равищда бизгача олиб келинди. Бундай достонларнинг қадимий илдизлари саклар, массагетлар, сүғдийлар, хоразмийларга мансуб уруғ ва қабилаларнинг афсона ва ривоятларига бориб тақалса-да, уларнинг каттагина қисми ўзбекларнинг ягона халқ сифатида шаклланишида асос бўлган уруғ ва қабилаларда патриархал-уругчилик муносабатларининг емирилиши ва илк феодал тузумнинг юзага кела бошлини даврларида яратилган. Чунки улар халқимизнинг ўзлигини англашенинг буюк обидалари, унинг ягона халқ сифатида шаклланиш ва бирлашиб сари ташлаган улкан қадамининг шеърият соҳасидаги тенгсиз намуналари сифатида юзага келди. Достоилар гултожи «Алпомиш» халқимиз яратган ана шундай эпик шеърият намуналаридан бири, балки биринчисидир.

«Алпомиш» достони халқимиз орасида жуда кенг тарқалган ва асрлар давомида бахшилар томонидан куйлаб келинган. Шу билан бирга у туркий халқларнинг муштарак достони ҳамдир. Унинг намуналари ўзбек, корақалпоқ, козок, олтой халқлари эпик анъаналарида достон холида, татар, бошқирд халқлари орасида эса, эртак ва ривоятлар тарзида, яна аниқроғи, оралиқ шаклда сақланиб қолган ҳамда бу халқларнинг тил хусусиятларига кўра «Алпомиш», «Алпамис»,

«Алпамиш ботир», «Атиш-Манаш», «Алпамиша», «Алпамиша ва Барсин хилув» каби номлар билан юритилади. Шунингдек, Панжикент атрофлари, Кашикадарё вилоятининг Варғонза, Жайнов кишлакларидан ўзбек достончилик анъаналари таъсирида юзага келган хамда жиддий трансформацияга учраган тожичка ва арабча вариантлари хам ёзиб олинган. Ёзма манбалар орқали бизгача етиб келган ўрта аср ўгуз эноси «Дада Кўркут книгоби»нинг уччини бўйни (достони) — «Бамси Байрак» ўзининг сюжет воқеалари жихатидан «Алпомишиш»га анча якин туради. Бир сюжетдаги бир достоннинг бир неча халқларда мавжудлиги уларнинг миллӣ ўзига хослигини никор этмайди. Чунки бу достонларнинг кадимий тарихий-хаётйи асослари бир бўлса-да, уларнинг хар бирин кейинги тараққиётида ўзлари мансуб халқнинг эпик анъаналари доирасида ривожланди, оғзаки ижод ва ижро шароитларида япишда давом этди ва факат кейинги даврлардагина шундай шароитларда фольклоршуносчалар томонидан ёзиб олинди. Шунинг учун хам унинг версия ва вариантларига эга бўлган хар бир халқнинг ўзининг миллӣ эноси сифатида муносабатда бўлиши табиий бир ҳолдир.

«Алпомини» достони миллӣ версия ва вариантларининг фанда аникланиши ва ёзиб олиниши бир вактда, бир хил даврда рўй берган эмас. Масалан, достоннинг қозок ва қорақалпок вариантлари ўтган асрнинг охирилари ва XX асрнинг бошларнда ёзиб олиниб, нашр этила бошланган бўлса, ўзбек вариантларин анча кеч, 20-йилларнинг бошларнда аникланган. Олтой версияси эса, иккى вариантда 1939 ва 1957 йиллarda ёзиб олинган. Ёки тожик версияси 1956 – 1957 йилларда тўрт вариантда ёзиб олиниб, 1959 йилда нашр этилган бўлса, арабча эртакин И. Н. Винников Кашкадарё вилояти Жайнов кишлопидан 1938 йилда ёзиб олган. Энг кўп ёзиб олингани қорақалпок ва ўзбек версияларидир. Қорақалпок версияси саккиз вариантда, ўзбек версияси эса, ўттиздан ортиқ халқ достончисидан тўла холда, парча, баёни тарзда ўттиз беш марта ёзиб олинган. Бу хисоб достоннинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти фольклор архивида сакланаётган нусхаларнгагина тегишилдири. Бундан ташкари достоннинг бошқа жамғармаларда (масалан, Санъатшунослик институтида), шахсий архивларда сакланаётган нотамом, парча ёки баёни тарзидаги вариантлари хам мавжуд.

«Алпомиши» достони ўзбек вариантларининг тўпланиши, нашр этилиши ва ўрганилиши тарихи ғоятда кизикарлидири. Бу ўзбек фольклоршуносчиликнинг фан сифатида шаклланиши ва ривожланиши билан бевосита боғлиқидир. 1922 йилнинг ёзида биринчи ўзбек профессори Фози Олим Юнусов Туркистон Маориф комиссариати Давлат илмий кенгашининг Ўзбек билим ҳайъати йўлланмаси билан Сирдарё ва Самарканд вилоятларида илмий сафарда бўлди. Сафар давомида у ўзбек шевалари ва этнографиясига оид материаллар тўплаш билан бир каторда Ҳамроқул бахши ва Фозил Йўлдош ўёлидан «Алпомиши» достонининг бир кисмий ёзиб олди. Унинг маълумотига караганда, кўлэзма 50 саҳифадан иборат бўлган. Фози Олим Юнусов «Билим ўчоги» журналининг 1923 йил 2 – 3-сонида кичик бир сўз боши билан ўзи ёзиб олган нусхадан парчалар эълон килди. Достоннинг бошланишидан Бойсарининг Кашалтга кўчишигача бўлган кисм Фозил Йўлдош ўғли айтган достондан («Билим ўчоги» журнали, 39 – 44-бетлар), Бойсарининг Кашалтга келганидан Алпомишининг Барчинни излаб йўлга чиқиши ва мозоротда тунашигача бўлган воқеалар Ҳамроқул бахши куйлаган «Алпомиши»дан (45 – 59-бетлар) олинган. Фози Олим ёзиб олган вариантнинг колтаг кисми маълум эмас. У тўплаган бошқа материаллар катори «Алпомиши» кўлэзмаси хам йўқолган. «Билим ўчоги» журналида эълон килинган парча достоннинг биринчи оммавий нашри хисобланади. 20-йилларда «Алпомиши» достони ҳакида

ги мuloхазалар асосан Фози Олим нашрии дипрасида бўлди. Масалан, профессор Фирратнинг 1928 йилда нашр этилган «Ўзбек адабёти намуналари» китобида мазкур нашрдан фойдаланилган. Унда Фозил Йўлдош ёзиб олинган кисм кайта нашр этилган (33 – 40-бетлар).

«Алпомиш» достони 1926 йилдан боштаб етакчи халқ бахши таридан тўла равища ёзиб олини бошланди. Дастр.таб шоир Абдулла Алавий Тошкент вилояти Эвалак қишлоқлик Берди бахшидан достонининг бир вариантини ёзиб олди. Бу вариантдан бир парча Фирратнинг юкорида тилга олинган хрестоматиясида (40 – 43-бетлар), унинг каттагина кисми Миёнбузрук Солихов томонидан 1935 йилда «Октябргача бўлган ўзбек оғзаки адабёти (фольклор» тўпламида нашр этилди (86 – 145-бетлар). Бу нусхани тўла равища ушбу сатрлар муаллифи сўз боши билан нашрга тайёрлади ва у 1969 йилда босилиб чиқди. 1926 йилда машҳур фольклор тўпловчи Мухаммадиса Эрназар ўғли атоқли халқ шоирини Пўлкан вариантини ёзиб олди. Ходи Зарифнинг маълумотига караганда, бу вариантининг ёзиб олиниши жараёнига атоқли халқ шоирини Эргаш Жўманубулбул ўғли иштирок этган ва унинг айрим ўринлари унинг оғзидан ёзиб олинган. Шу кунларда мазкур сатрлар муаллифи фольклоршунос З. Хусаинова билан ҳамкорликда ушбу нусхани тўла равища нашрга тайёрлади. Шунингдек, А. К. Боровиков 1928 йилда Ўратепа тумани Каирма қишлоғида яшовчи Мавлон Пирмат ўғлидан достонининг мазмунини ёзиб олди ва уни 1956 йилда «Ўзбекистон Фанлар академияси ахборотлари»нинг 11-сонида ўзбек ва рус тилларида нашр этиди (77 – 88-бетлар).

Достоннинг бадний жиҳатдан энг мукаммал варианти Фозил Йўлдош ўғлидан 1928 йилда Махмуд Зарифов томонидан ёзиб олинган нусхаси хисобланади. Унинг биринчи кисми қисқартирилган холда 1939 йилда Ходи Зарифнинг «Ўзбек фольклори» хрестоматиясида (80 – 128-бетлар) нашр этилди. Худди шу пайтдан бошлаб Фозил Йўлдош ўғли вариантидан парчалар мактаб хрестоматиялари, ўкув кўлламалари, турли тўпламларда мунтазам равища нашр этилиб келинмоқда. Шунингдек, шу йили жиҳдий қисқартирилган холдаги Ҳамид Олимжон нашрни ҳам юзага келди. Шоир Ҳамид Олимжон достонни нашрга тайёрлашда уни карийб ярмига қисқартирган. Аммо бу қисқартириш шу даражада билим ва санъаткорлик билан амалга оширилганки, бу холат достоннинг яхшилтигига путур етказмаган. Шоир достон матнига бирон-бир сўз кўшмаган, достон тилини таҳрир килмаган, балки ундаги мавжуд имкониятлардан миришкорлик билан фойдаланган, яъни узундан-узок монолог ва диалоглардан иборат шеърий матнларни саклаган. Нашрга тайёрловчи олти минг мисрага яқин матнни қисқартирган бўлса-да, достонни ўқиш давомида бу нарса деярли сезилмайди. Шунингдек, шоир нашрга каттагина сўз боши ёзиб, унинг тоявий-бадний хусусиятларини таҳлил этди. Достоннинг яратилган лигига 1000 йил тўлганлиги ҳақидаги дастлабки мuloхазалар ҳам Ҳамид Олимжонга тегишилди. Шунинг учун ҳам бу нашр маданиятимиз тарихида катта воеа бўлди ва халқ достонларини нашр этишдаги нжобий тажриба сифатида ўз ахамиятни хануз йўкотган эмас.

1957 – 1958 йилларда мархум Ҳамид Олимжон номидан достоннинг иккинчи ва учинчи нашрлари чоп этилди. Аммо бу нашрларда «асарнинг умумий сюжети ва асосий тоявий йўналиши билан органик боғлиқ бўлмаган, эксплататор синиф-мағуфрасининг таъсири остида бузилган ёки сунъий равища киритилган баъзи сўзлар, неборалар, асарнинг халқчилик асосига зид бўлган айрим тасодифий ходисалардан достонни тозалаш» баҳонасида Ҳамид Олимжон эришган ютукларга барҳам берилди, матнга тоқат килиб бўлмас даражада кўл урилди, достон тили

ўринисиз равища таҳрир килинди ва бу билан ғайрилмий йўл тутилди. Чунончидан достонда «Кўзи қуралтайдай бўлиб» деган жуда чиройли мисра бор. Бу мисра ўринисиз равища «Куралай кўзи чўедай бўлиб» тарзида «таҳрир» килинган. Бу билан достон тилдиага табиийликка зарар етказилган, кофия тизими бузилган (ойдай-тойдай-боидай-куралтайдай, аммо чўедай эмас). Ёки «Бир камлани жорий қайтар, Коражон» мисраси «Бир сўз айтиб кўнглини кўтар, Коражон» тарзида бузил берилган. Ўринисиз қисқартишишлардан ташқари бундай ўзgartариш ва таҳрир килиш ҳолларин уч издан ошиб кетади. Шу рақамнинг ўзиёк, достон матнига канчалик кўл урилганлигини кўрсатиб турибди. Бу нарса ўз вактида илмий жамоатчиликнинг жиёддий эътироозларига сабаб бўлган эди. Шунинг учун хам достоннинг энг муқаммал нусхаси бўлган Фозил Йўлдош ўғли вариантини тўла равища китобхонларга етказиш долзарб вазифа бўлиб келмоқда эди. Бу ишга камина ўзбек фольклоршуносигининг асосчиси, атоқли олим ва мурабабий Ходи Зариф (1905—1972) билан ҳамкорликда 1964 йилда киришган эди. Аммо унинг биринчи қисмини тугаллаш билан иш тўхтаб колди. Бунга 1968 йилдан «Булбул тароналари» (Тошкент, 1971—1973) беш жилдигини нашрга тайёрлашга кириниш ва устознинг вафоти сабаб бўлди. Кейинчалик камина ишини нюхоясига етказди ва у айрим қисқартишлар билан 1979 йилда «Ўзбек халқ ижоди» кўп жилдиги силсиласида нашр этилди. 1985 йилда қайта босилиб чиқди. 1987 йилда яна бироз қисқартирилган ҳолда «Мактаб кутубхонаси» сериясида чоп этилди. Унинг нисбатан тўла нашри 1992—1993 йилларда икки жилда амалга оширилди.

Хамид Олимжон нашри асосида шоир Л. М. Пеньковский достонни рус тилига таржима қилди. Бу таржима 1949 йилда Тошкент ва Москвада М. Шайхзода ва В. М. Жирмунскийлар сўз бошилари билан алоҳида-алоҳида китоблар тарзинда босилиб чиқди. Кейинчалик Л. М. Пеньковский достон таржимасини кайтадан кўриб чиқиб, бироз тўлдириди. Бу таржима Тошкент (1958, 1974), Москва (1958), Ленинград (1982) шахарларида қайта-қайта нашр этилди.

Достон вариантларини ёзиб олиш ишлари 30—40-йилларда хам давом эттирилди. Жумладан, 1937 йилда Юсуф Султонов Қўқоннинг Бешкапа қишлоғида яшовчи Бўри бахшидан, 1938 йилда Шамси Муродов Қизилтепа тумани Кенагас қишлоғида яшовчи Сайдмурод Паноҳ ўғлидан, 1944 йилда Мансур Афзатов Нурота туманининг Қўтирил қишлоғида яшовчи Бекмурод Жўрабой ўғлидан достон вариантларини ёзиб олдилар. 1940 йилда Мунисхон Тошпўлатова қизилтепалик Сайдмурод Паноҳ ўғли вариантидан парчалар, 1945 йилда Қосим Муҳаммадов Шеробод туманининг Чигатой қишлоғида яшовчи Мардонакул Авлиёқул ўғли вариантининг иккинчи қисмини, Ходи Зариф шу вариантдан парчалар ёзиб олдилар. 1951 йилда Охунжон Собиров атоқли халқ достончиси Ислом шоир вариантининг мазмунини ёзиб олди. Бу ўринда шунин алоҳида таъкидлаш керакки, қизилтепалик Сайдмурод Паноҳ ўғли вариантини ёзиб олган Шамси Муродоб ўша пайтда ўн уч ёшда бўлган ва олтинчи синфда ўқиган. Буни ўзига хос жасорат деб баҳолаш мумкин. Афсуски, бу талантли йигитча Иккинчи жаҳон уруши жангоҳларида мардларча ҳалок бўлди. Шамси Муродов кўлёзмасини ушбу сатрлар муаллифи сўз боши билан нашрга тайёрлади ва у 1972 йилда «Одилхон» китоби таркибида чоп этилда.

«Алпомиш» достони нафакат оғзаки равища, балки Хамид Олимжон нашри орқали хам ҳалкимиз орасига кенг тарқалганлигига, мактаблар ва олий ўқув юртлари ўкув дастурлари хамда дарсликларидан муносиб ўрин олганлигига, унинг мотивлари асосида драмалар ва театр спектакллари яратилганлигига қарамай, А. Абдунабиеv ва А. Степанов каби «танқидчилар» хам топилдики, улар

1952 йилда «Правда Востока» газетаси ва «Звезда Востока» журналида эълон киғлан мақолаларида достонни халқка карши, реакцион асар сифатида баҳолади-лар. Шу йилнинг марта ойин охирида Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти ҳамда Ёзувчилар уюшмасининг биргаликда ўтказган кенгаши ҳам достоннинг ғоявий мазмунини бузуб, уни «Конли урушларни кўкларга ўтказган зулмини дабдаба билан куйловчи, миллатчиликни тарфиб килувчи, халқка карши асар», – деб баҳолади. Шу тарика халқимизнинг бу севимли достони катли-ом қилинди, уни ўқиши, ўқитиш маън этилди.

Аммо соғдил, ҳақиқий фольклоршунослар бундай ғайри илмий баҳо билан келиша олмадилар. Ходи Зариф, Мансур Афзаловлар 1954 йилдаёк эпос масалаларига бағишилаб Москвада ўтказилган кенгашида сўзлаган нуткларида «Алпомиши» достони бадиий юксак халқчил асар эканлигини асосслаб, уни ўрганиш учун маҳсус илмий конференция ўтказиш зарурлигини таъкидладилар. Шундай конференция 1956 йилнинг сентябрьда Тошкентда ўтказилди. Конференцияда ва 1959 йилда «Об эпосе «Алпомыш» номи билан эълон килинган унинг материалларида достонга нисбатан ҳақиқий илмий баҳо берилди, уни ўрганиш ва нашр этишига йўл очилди. Натижада В. М. Жирмунскийнинг «Сказание об Алпомыше и богатырская сказка», ушбу сатрлар муаллифининг «Алпомиши» достонининг ўзбек варианatlари» монографиялари босилиб чиқди, достон бўйича номзодлик ва докторлик диссертациялари химоя килинди, янги вариантларини ёзиб олишга киришилди. 1954 йилда Фатхулла Абдуллаев Янгиқўрён тумани Фовозон кишлогоғида яшовчи Ҳайдар Бойча ўғлидан, 1955 йилда Зубайдада Ҳусайнова Китоб тумани Қайнарбулук кишлогоғида яшовчи Абдулла шоирдан, Зубайдада Ҳусайнова билан Музайяна Алавия шу туманининг Шотири кишлогоғида яшовчи Ҳамро Эргаш ўғлидан, Мансур Афзалов Шахрисабзда турувчи Зохир Кўчкор ўғлидан, 1956 йилда Охунжон Собиров Дехконобод тумани Корашина кишлогоғида турувчи Умир шоирдан, 1958 йилда А. Мирзаев Гуллистон тумани Кўйботган кишлогоғида турувчи Мурод Отабой ўғлидан, Мансур Афзалов Жарқўрён тумани Жалойир кишлогоғида яшовчи Мамадрайим бахшидан, 1960 йилда Малик Муродов Ниждувон тумани Зажаш кишлогоғида яшовчи Амин Малик ўғлидан, 1962 йилда Тўра Мирзаев Малик Муродов билан биргаликда Хатирчи тумани Ёнбош кишлогоғида яшовчи Эгамберди Олломурод ўғлидан, шу йили Тўра Мирзаев Тожикистоннинг Данғара тумани Кўшқия кишлогоғида яшовчи Ахмаджон Соиназар ўғлидан, М. Афзалов Т. Ашурев билан биргаликда Ҳазорасп тумани Курра кишлогоғида яшовчи Матназар Жаббор ўғлидан, 1963 йилда Тўра Мирзаев Тожикистоннинг Колхозобод тумани Пахтаорол кишлогоғида турувчи Бўрибай Ахмедовдан, 1964 йилда Малик Муродов Янгиқўрён тумани Ораарик кишлогоғида яшовчи Раззок Қозок ўғлидан достон вариантларини ёзиб олдилар. 1968 йилда атоқли шоир-қиссаҳон Рахматулла Юсуф ўғли ўз вариантини ёзиб топширди. Шунингдек, талантли достончи дехконободлик Кодир Раҳимовдан фольклоршунослар Абдумўмин Қаҳхоров ва Абдуолим Эргашев достоннинг иккинчи кисмини «Бева Барчин» номи билан ёзиб олдилар. Тўра Мирзаев 1962 йилда Янгиер тумани Кўшқанд кишлолик Исо Янгибай ўғлидан ва 1963 йилда Тожикистоннинг Данғара тумани Жорубқўл кишлогоғида яшовчи Тўла Ҳайбат ўғлидан достоннинг мазмунини ёзиб олди. 1959 йилда Темур Очилов Зомин тумани Карапчи кишлолик Ёрлакаб Бекназар ўғлидан достоннинг бош кисмнини ёзиб олган эди. Ушбу парчани мазкур сатрлар муаллифи «Ўзбекистон овози» газетасининг 1995 йил 30 сентябрь сонида эълон килди. Шу тарика кейинги 75 йил давомида достон вариантлари мамлакатмизнинг барча вилоятлари ҳамда ундан ташкаридаги

ўзбеклар яшайдиган худудлардан ёнб олинган. Бу варианtlар сюжет воқеалари жиҳатидан бир-бирига ўхшаса-да, уларнинг бадий ифодаси турли-тумандир. Шунинг учун хам олимлар уларнинг ҳар бирини мустакил бадий асар сифатида ўрганиб келмоқдалар. Шу кунларда достонни кейинги авлод бахшилари хам куйлаб келмоқдаларки, бу нарса унинг жонли оғзаки ижро шароитларида изчил яшаб келаётганилигидан далолат беради.

Ушбу нашрга атоқли халқ шоири Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган «Алломиши» достони кўләзмаси асос бўлди. Кўләзма Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг фольклор архивида 18-инвентарь бирлигига сакланади. Кўләзма 946 саҳифадан иборат. Коғоз бичими: 36Х23. Достон шеърий қисмининг ўзи 13715 мисранни ташкил этади. Кўләзманинг дастлабки саҳифасида 1927 йил 14 июнь санаси кўрсатилган. Бошка ҳеч қандай изоҳ ёки кўшишма маълумотлар қайд этилмаган. Достонининг ёзиб олинишини ташкил этган Ходи Зарифнинг барча асарларида унинг қаламга олинни санаси 1928 йил деб кўрсатилиади. Тахминимизча, достон кўләзмасининг 16-саҳифасига бўлган қисми бизга номаълум бўлган шахс томонидан 1927 йилнинг 14 июнинда ёзиб олинган. Шундан кейин нима сабабдандир уни ёзиб олиши иши тўхтаб қолган. 1928 йилда эса, достонни ёзиб олиши иши давом эттирилган. Ходи Зарифнинг оззаки маълумотларига кўра, достонни унинг раҳбарлигига Махмуд Зарифов 1928 йилнинг ёз ойларида иккى ой давомида Фозил шоирнинг Булунғур тумани Лойка кишлогидаги уйида ёзиб олган.

Достонни нашрға тайёрлашда күләмнәдә мати тұла равища сақланды. Факат фонетик жиҳатданғина (масалан, «Жұқ» ўрнида «йұқ» тарзыда) адабий тилга яқинлаشتырилді. Шунда хам тасвир вазиятiga алохіда зәтибор берилді ва асар бадийилги билан боғлық барча шева хусусияттар сақлаб қолинди. Матндағы порнографик сүзлар ўрнига күп нүкта күйилді.

Миллий ифтихоримиз бўлган «Алиноми» достонининг тўла равишда халки-мизга етказилиши маданий тараққиётимиздаги улкан воқеадир. Истиклол турфайли юзага келган кўпдан-кўп имкониятлардан бирининг фольклоршуносликда ўзига хос равишда воқе бўлишидир.

**Тұра МИРЗАЕВ,**  
филология фанлари доктори, профессор.

## БИРИНЧИ ҚИСМ

Бурунги ўтган замонда, ўн олти уруғ Күнфиrot элида Добон-  
бий деган ўтди. Добонбийдан Алпинбий деган ўғил фарзанд  
пайдо бўлди. Алпинбийдан тағи икки ўғил пайдо бўлди: каттако-  
нининг отини Бойбўри қўйди, кичкинасининг отини Бойсари  
қўйди. Бойбўри билан Бойсари – иккови катта бўлди. Бойсари  
бой эди, Бойбўри эса шой<sup>1</sup> эди, бул иккови ҳам фарзандсиз  
бўлди.

Ана энди ўн олти уруғ Күнфиrot элида бир чуфурон<sup>2</sup> тўй  
бўлди. Халойикларни, элатияларни тўйга хабар қилди. Шу тўйга  
барча халойиклар йигилди. Бийлар ҳам тўйга келди. Тўйдаги  
катталар илгаригидай иззат қилиб, қадимгидай отини ушламади.  
Бийлар: «Мазмуни бу одамлар бизнинг келганимиздан беҳабар  
қолди», – деб отини ўзи бойлаб, маъррака-майлисга келиб ўтира  
берди. Бийларнинг кўнглини хушламади, отини ушламади, ости-  
га либос ташламади; ош тортди, сузган товокни чошламади; ош  
тортганда, ошнинг кетини-кўтини тортди. Бу қилган хизматни  
бийлар кўриб, илгари иззат кўриб юрган одамлар – бийлар  
айти: – Бизлар ўн олти уруғ Күнфиrotнинг бойи ҳам шойи  
бўлсан, бизлар келсан, отимизни ушлар эдинглар, кўнглимизни  
хушлар эдинглар, остимизга либосни ташлар эдинглар, бу дафъа  
биздан нима кўтохлик ўтди, бизни бундай беҳурмат қилдинглар.

Бу сўзни эшитиб, ўн олти уруғ Күнфиrot элида пайга бетдан  
туриб бир чацанитоб бойбачаси айти: – Эй, Бойбўри билан

<sup>1</sup> Шоҳ.

<sup>2</sup> Чукбурон – хатна тўй.

Бойсари! Бул тўй ўғиллининг ўелидан кайтади, кизлининг кизидан кайтади, сенинг нимандан кайтади?! Ўзинг ўлсанг, молингга ҳар мероёхўр чиқади, оғзига одам кириб кетади. Сенинг бундан бу ёқдаги ейдиганинг ошнинг кети-қўти бўлади. Биз сенинг давлатингдан бўлиб оламиزمиси?!

Бийлар булардан бу гапни эшишиб, хафа бўлди. Хафа бўлиб, саксон тилла чуфуронга ташлаб, туриб кетди. Бориб чечиб минди бедов отди, иккови уйига етди. Иккови қилди маслаҳатди, бу сўз бу икковига жуда ботиб кетди. Бойбўри туриб айтди: — Бойсари ука, қариганда бизнинг молимиз бесоҳибга чиқди, энди бизлар бир фарзанд тарадди қилмаймизми? Бойсари туриб айтди: — Тортиб олиб бўлмаса, ўғирлаб олиб бўлмаса, сотиб олиб бўлмаса, худо бизга бермаса, қаёқдан қиласиз тарадди?! Бойбўри айтди: — Шу ердан Шоҳимардон пирнинг равзаси уч кунчилик йўл келар экан, ҳар ким бориб тунар экан: давлат талаб давлат тилар экан, фарзанд талаб фарзанд тилар экан, охират талаб имон тилар экан, қирқ кун тунаган киши муродига етиб кайтар экан. Биз ҳам борсак, нарзи-ниёзимизни берсак, Шоҳимардон пирнинг равзасини тунаб, биз ҳам бир фарзанд тилаб кўрсак.

Шунда бу гап бийларнинг икковига ҳам маъқул тушиб, бирбирига: «Рост айтасан», — деб нарзи-ниёзини олиб, бийлар иккови Шоҳимардол пирнинг равзасига қараб жўнамоқчи бўлиб, минди бедов отди, нарзи-ниёзини олиб, уч кун тинмай йўл тортиди. Уч кун йўл юриб, Шоҳимардон пирнинг равзасига етди, олиб борган нарзи-ниёзини шайхларга бериб, бийлар равзани тунаб ётди. Орадан бир кам қирқ кун ўтди, бир кам қирқ кун деганда, равзадан овоз келди: «Эй, Бойбўриман Бойсари, сен бир кам қирқ кундан бери тунаб ётибсан. Худонинг яратган шери мен бўлсам, бир кам қирқ кундан бери бир оёғим билан туриб, сизлар учун орага тушиб, яратган худоларингдан фарзанд тилайман, яратган худоларинг фарзанд бермайман, деди». Бийлар бу овозни эшишиб: «Бизлар бир кам қирқ кундан бери келиб, сизни тунаб ётсан, худонинг яратган шери сиз бўлсангиз, бизлар учун орага тушиб, бирор фарзанд тилаб олиб бермасангиз, бизга пирлигингиз ёлғон, худога шерлигингиз ёлғон. Бор, ундан бўлса, биз ҳам дунёнинг баҳридан ўтдик», — деб таппа тушиб, равзада турбатнинг остида ётди. Қирқ кун ўртадан аниқ ўтди, боз равзадан овоз келди: «Бойбўри, сенга худойим бир ўғил, бир қиз берди, ёлғиз эмас, эгиз берди; Бойсари, сенга худойим бир қиз берди, эгиз эмас, ёлғиз берди. Бундан борсанг, фарзандларни кўрсанг, ҳалойиқларни юйсанг, тўй-томошалар берсанг, тўйда қаландар бўлиб бориб, болаларингнинг отини ўзим қўйиб кела-ман».

Бу сўзни эшишиб, бийларнинг жуда вақти хуш бўлиб, «тилаганимиз қабул бўлди», — деб кўнгли тўлиб, минди бедов отди,

кистаб мазгилига қараб йўл тортди. Вакти хушлиги билан уч кечакундуз ўйл юриб, Бойсин-Қўнгирот элатига етди. Вакти хушлигига халойикни, элни йиғиб, қирқ кечаю кирқ кундуз тўй-томоша бериб ётди. Ана шунда орадан кирқ кечаю кундуз ўтди, тўй тарқаб, ҳар ким ўз мазгилига қараб кетди, қолган меҳмонлар ётди. Меҳмонларни ётқизиб, бийлар уйига қараб қайтди. Уйларига етса, бойбичалар тўшакни соп қўйибди. Бийлар чечиниб, дирдай-кирдай бўп, кўрнага кириб кетди; бойбичалар уни-буни зласлаб, иш қилиб, ўчоқнинг мўрисида айналиб турибди. Бийлар ҳар қайсилари ўз тўшагида, ўз уйларida хотинларига қараб: — Кел-чи, — деяпти, бойбичалари: — Кун совук, қўй-чи, — деяпти... Шунда бийлар қўлини узатди, бойбичаларнинг кўлидан ушлаб, шундай бағрига тортди, булар ҳам чечиниб кўрпага кириб кетди. Кўринг дарвешди, ёди кулочди, бийлар билан бойбичалар топишиди...

Шўйтуб булар ҳам ҳомиладор бўлиб қолди. Ойдан ой, кундан кун ўтиб, тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соат орадан ўтиб қолди. Бойбичаларнинг ойи-куни яқин етди, бийлар иккови айтди: «Бизлар ҳам бир шоҳлик шавкатини қилсан, овга чиқиб кетсан, фарзандлар ер юзига тушса, суюнчи, деб бир нечалар олдимизга йўлга чиқиб, бизлардан тилла-танга инъом олса», — деб ўйларни йўлаб, бийлар овга жўнаб кетди.

Бойбичаларга шунда тўлғоқ вакти яқин етди; не кампирлар келиб, бойбичани айланиб, тулкини инлатган тозидай бўлиб, бойбичаларни ангниб, ўртага олиб турибди. Бийлар шул вактда овдан қайтди; бу ёқдан шул вактда фарзандлар ер юзига тушди. Бир нечалар бийларнинг олдига чиқиб, суюнчи олди. Бийлар зиёда вакти хуш бўлиб, мазгилига келиб жой олиб, вакти хушлигидан ҳар тарафга хабар юбориб, халойикларни чақириб, тўй-томуша қилмоқчи бўлиб, чоғланиб, созланниб, ўн олти уруғ Кўнғирот элининг катта-кичик бийларини, оқсоқол, арбобларини ийғидириб, тўй қиласиз, деб маслаҳат қилди. Ҳамма мамлакатга овоза бўлиб, элининг, юртининг катта-кичиклари қуллук бўлсинга келиб, дўстлар шодмон бўлиб, душманлар ғамгин бўлиб, ғамгин бўлса ҳам, иложини тополмай, ҳеч кимга (юрагини) ёролмай, булар ҳам қуллук бўлсинга кела берди. Ўн олти уруғ Кўнғирот уруғининг одамлари, эшитган халойиклар гурос-гурос бўлиб кела берди. Шунда катта-кичиклар келиб, бийларнинг оғиздан тўй қиласиз, деганини эшитиб, тўйнинг асбобларини тузатиб, қанча сўқим моллар сўйиб, ош-паловларни дамлаб, фукаро, бева-бечоралар тўйиб, шу ажносда ўн олти уруғ Кўнғиротнинг одамбори тўйни қилиб, ҳаммалари жам бўлиб, қирқ кечаю кундуз тўй бериб ётди.

Кирқ кечаю кирқ кундуз бўлгандан кай<sup>1</sup> тўй тарқайдиган

<sup>1</sup> Кейин.

куни бўлди. Бир вақт шунда бийлар қараса, узокдан бир қаландар кўриниб кела берди. Бийларнинг эсига (тушди): Равзада «Қаландар бўлиб бориб, ўзим отини кўйиб келаман», деган овозни эшигтан эди. Шундай қараса, яхши нурли бир қаландар маст бўлиб, қаландардай бўлиб, шул мажлисга қараб кела берди. Халойиқлар ҳам кўрди: тарзи гул юзли, ширин сўзли, бир сиёsatли киши қаландар бўлиб келаётir, ўзга кишиларга бу қаландарнинг ҳоли-ахволи маълум эмас. Равзадаги сўзлаган овозни эшигтан сабабли Шоҳимардон пирим шул киши бўлмаса, — деб бийлар ўрнидан туриб, олдига пешвоз чиқиб, салом бериб, зиёрат қилиб, мажлисxonага бошлаб олиб келди. Шунда фарзаандларнинг учовини ҳам олиб келиб, Шоҳимардон пирининг этагига солди. Шоҳимардон пири Бойбўрининг ўғлиниг отини Ҳакимбек кўйди, ўнг кифтига беш қўлини урди. Беш қўлиниг ўрни дор бўлиб, беш панжанинг ўрни билиниб қолди. Қизининг отини Қалдириючоийм кўйди. Бойсарининг қизининг отини ой Барчин кўйди. Ана шунда Шоҳимардон пири Ҳакимбекка ой Барчинни аташибириб, бешкирти қилиб: «Бу иккови эр-хотин бўлсин, Ҳакимбек билан ҳеч бир киши баробар бўлолмасин, омин оллоҳу акбар», — деб фотиҳани бетига тортди. Шоҳимардон пири туриб жўнаб кетди, одамларнинг кўзидан фойиб бўлиб кетди. Шу ерда ўтирган халойиқлар: «Бийларга худо берган экан, пирининг дусосин олган экан», — деб гаплашиб қолди. Балки шу ерда ўтирган катта-кичикларнинг ҳам меҳри қадимгидан зиёда бўлди. Ана шуйтиб, бийларнинг тўйлари ҳам тарқаб кетди. Ҳамма юртдан, элдан келган одамлар ҳам кетди, ўз мазгилига етди. Бийларнинг ўз-ўзлари, ўзига қараганлари қолди.

Шунда болалар кундан-кун ўтиб, ойдан-ой ўтиб, бирдан иккига кириб, иккidan учга кириб, буларнинг тили чиқиб, элга эниб, тили чиққандан кай, элга энгандан кай, тутиб учовини ҳам мактабга кўйди. Булар мактабда ўқиб юриб етти ёшга кирди. Бурро<sup>1</sup> саводи чиқиб, хат ўқиб-ёзадиган мулла бўлди. Шунда Бойбўрибий: «Энди ўғлим саводи чиқиб, мулла бўлди, ўғлимга энди шоҳлик, сипоҳилик илмини ўргатайин», — деб мулладан чиқариб олди. Бойсари ҳам Бойбўрига таассуб (қилди)<sup>2</sup>. Бул ҳам ой Барчин қизини мактабдан чиқариб олди. Чиқариб олиб, «Кизимга Кўкқамиш кўлида кўй соғдириб, чорвадорлик илмини ўргатайин, кўй соғмоққа уста бўлсин», — деди.

Шунда Ҳакимбек етти ёшига кирган. Алпинбий бобосидан колган ўн тўрт ботмон биричдан бўлган парли ёйи бор эди. Ана шунда Ҳакимбек шул ўн тўрт ботмон ёйни кўлига ушлаб, етти яшар бола кўтариб тортди, тортиб кўйиб юборди. Ёйнинг ўки яшиндай бўлиб кетди. Аскар тоғининг катта чўққиларини юлиб

<sup>1</sup> Ҳошияда бурро сўзидан кейин саводхон сўзи кўшиб кўйилган.

<sup>2</sup> Кўлэзмада солди.



Lituz.com

To'liq qismini  
Shu tugmani  
bosish orqali  
sotib oling!